



**“Тасдиқлайман”
Вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари**

Ш.Худайбердиев

“ 15 ” 04 2017 йил

Турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек рухсатнома олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш интерактив хизмати регламенти

1. Интерактив хизмат тавсифи (паспорт)

1.1. Интерактив хизмат номи

Турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек рухсатнома олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш.

1.2. Интерактив хизмат натижаси

Веб-сайтнинг ушбу интерактив хизмат бўлимига қирилганда турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек рухсатнома олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш бўйича маълумотларни олиш ёки мурожаат қилиш имконияти яратилган.

1.3. Интерактив хизматни кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда хизмат кўрсатиш манзили

*Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида Интерактив хизматлар хаволаида мавжуд.
Веб-сайтдаги хаволаи
http://eservices.samarkand.uz/residential_non-residential*

1.4. Қонуний асоси

*1. "Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги 163-И-сон билан рўйхатдан ўтган "Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси"
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 мартдаги " Шаҳарсозлик фаолияти ва қишлоқ хўжалигидан бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари беришнинг, бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни (фасадини таъмирлашни) келишининг, шунингдек объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга, турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсатномалар беришнинг умумий белгиланган тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 70-сон қарори*

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Жисмоний ва юридик шахслар.

1.6. Хизматдан фойдаланишга сўров юбориш муддати.

Кўрсатилаётган интерактив хизмат орқали интерактив тарзда ариза, таклиф ва мулоҳаза

юбориш имконияти яратилган.

1.7. Бажарилиш муддати

Ариза қабул қилингандан эътиборан 27 иш кунигача.

2.Хизматдан фойдаланувчиларга маълумотларни тақдим этиш.

2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми

Турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек рухсатнома беришни ташкил этиш

2.2. Сўровга асосан бериладиган ахборотлар

Интерактив хизматга кирилганда саҳифанинг пастги қисмида электрон кўринишида мурोजаат йўллаш орқали маълумот олиш имконияти яратилган, шунингдек Самарқанд вилояти ҳокимлигининг расмий веб-сайтига кириб маълумот олиш мумкин.

2.3. Хизмат кўрсатиш жойи

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг расмий веб- сайти орқали маълумотларни олиш ва мурोजаат юбориш мумкин. Яқиний натижа мурोजаатчининг истиқомат қиладиган манзилидаги “Ягона дарча” марказлари орқали тақдим этилади.

2.4. Талаб қилинадиган ҳужжат бланкалари (форма)

Талаб қилинадиган ҳужжатлар нусхалари Самарқанд вилояти ҳокимлиги расмий веб-сайтнинг электрон давлат хизматлари бўлимидаги “Турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказишга рухсатномалар бериш” интерактив давлат хизмати бўлимида келтирилган .

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Кун давомида.

3.2. Кутиш шартлари

Кутиш шартлари мавжуд эмас.

4. Хизмат кўрсатиш жараёни

4.1. Зарурий ҳужжатлар

- Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсатнома олишга ариза;
- Ариза берувчининг мавжуд турар жой биносига ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- Тегшли ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан тайёрланган бинонинг тархи нусхаси;
- Бинога биргалликда эгаллик қилувчилар ва оила вояга етган аъзоларининг турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга нотариал тасдиқланган ёзма равишида розилиги;
- Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг розилиги.

4.2. Интерактив хизмат кўрсатиш боскичлари

Босқичлар мавжуд эмас.

4.3. Хизмат кўрсатиш учун ички идоравий жараёнлар

- 1) *Жараён 1: Маълумотларни таёрлаш.*
- 2) *Жараён 2: Веб-сайтга жойлаштириш.*

4.4. Рад этиш сабаблари

Рад этиш сабаблари мавжуд эмас.

5. Сифатни таъминлаш


5.1. Сифат кўрсаткичлари

Расмий веб-сайтдаги анкета орқали баҳоланади.

5.2. Кўрсатилган хизматга оид шикоятлар

Хизматдан норози бўлган шахслар, расмий веб-сайтдаги виртуал муроғжжат орқали ўз шикоятларини қолдиришлари мумкин.


“Келишилган”
Самарқанд вилояти
“Компьютерлаштириш маркази”
директори



Б.Игамкулов

2017 йил

Интерактив хизмат кўрсатиш схемаси



Ички идоравий жараёнлар схемаси

